(Давоми. Боши 1-бетда).



# БАЙРАМ АРАФАСИДАГИ ЎЙЛАР

Яна атрофга қарашда давом этайлик. Саккиз йил мобайнида Асакадаги ЎзДЭУ авто, Самарқанддаги СамКочавто заводлари, Қоровулбозордаги йирик нефть иншооти сингари жаҳон андозалари даражасидаги корхоналар барпо этилди. Хўжаободдаги улкан газ омбори ҳақида ёки нуфузи жаҳонга чиқиб бораётган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ҳақида қувониб-қувониб гапирмоқ керак. Бензинни ҳозир ташқаридан сотиб олмаймиз, дон мустақиллигига эришиш йўлида катта қадамлар қўйилмоқда...

Ҳам мазмунан, ҳам моҳиятан мутлақо бошқача бўлди бу йиллар, деганимда, ўтган саккиз йилимиз ҳақида гапирганимда, иқтисодимизнинг юқорида айтилган зафарларини ҳам назарда тутгандим. Лекин бу, биринчи галда, маънавиятимизга тегишли эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Ҳа, бизда маънавият бобида туб ўзгаришлар юз берди, биз уларни ҳеч иккиланмай, оламшумул ўзгаришлар, деб айта оламиз. Биргина Амир Темур Кўрагонга бўлган муносабатни олиб кўрайлик. Шўролар замонида унинг номини айтиш мушкул эди, у ҳақда-ку асарлар ёзилмасди, айрим ондасонда ёзилганларини ҳам кейин таҳрир қилишга тўғри келди. Энди у ҳақда китоблар ёзилмоқда, фильмлар қўйилмоқда, номи элимиздагина эмас, бутун жаҳонда эъзозланмоқда, миллатнинг отаси сифатида қадрланмоқда. Яқинда бир гуруҳ француз киночилари «Дунё араб тилида гапирганда» номли фильмини суратга олиш учун мамлакатимизга ташриф буюрдилар. Хивадаги Ичон қалъани, Самарқанддаги нодир ёдгорликларни, Бухородаги улуғ обидаларни зиёрат қилиб, ҳайратдан ёқа тутдилар. «Бошқа мамлакатларда, худди Ўзбекистондагичалик осори атиқаларни асрашга, тиклашга миллион-миллион маблағ сарфланмайди, — дейишди улар, — Ўзбекистонда меросга муносабат, ёндошиш давлат сиёсати даражасида экан». Илгари тарихимиз, буюк боболаримиз, олтин меросимиз ҳақида турли-турли саволлар беришди. Масалан, Самарқандда уларни «Амир Темур ўзбекми?», «Амир Темур чингизийларданми?» деган саволлар қизиқтирди. Илгари тарихимиз, хусусан, Амир Темур ҳақидаги маълумотлар жаҳонга Москва «чиғириғ»идан ўтказиб чиқарилар, табиийки, салбий нуқтаи назардан ёндошилар эди. Меҳмонлар ҳам, албатта, ўшандай маълумотлар билан танишишганлар. Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, тарихимиз, Амир Темур ҳақидаги фикрларнинг тубдан ўзгартирилиши, уни жаҳон афкор оммаси онгига етказиш жараёнининг бошланганлиги Мустақиллигимизнинг улуғ ғалабасидир. Мен меҳмонларга, ўзбекларнинг серқабила эканликлари, уларда тўқсон иккита уруғ борлиги, Амир Темур мансуб бўлган қабила «тўқсон икки»нинг бири бўлиши ва барлос деб аталишини сўзлаб бердим. Иккинчи саволга эса жавобим бундай бўлди: «Амир Темур чингизийлардан эмас, уларга ҳеч дахли йўқ. У шаҳрисабзлик бекнинг фавқулодда салоҳиятли ўғли. У тарих майдонига кириб келаётган пайтда, мамлакатимизда чингизийлар ҳукмрон эдилар. Чингизийларга яқин ёки қандайдир алоқадор бўлган кишилар одатда катта ишларга тайинланар, бирон бир нуфузга эга бўлар эдилар. Келажакда улуғ мақсадларни кўзлаган Темурбек ҳам шу йўлни тутди ва 1370 йилда Чингизхон авлоди бўлган Сароймулкхонимга уйланди — Кўрагон бўлди. «Кўрагон» — мўғулча, «куёв» дегани. Унинг номи расмий ҳужжатларда «Амир Темур Кўрагон» деб аталадиган бўлди, бу ном ўша давр тангаларида ҳам акс эттирилган. Мана шу биргина фактнинг ўзи Амир Темурнинг чингизийларга алоқаси йўқлигини кўрсатиб турибди». Меҳмонлар жавобимдан қониқиш ҳосил қилганларини билдирдилар.

Қувонч ва мамнуният билан айтиш керакки, Маънавият ва маърифат республика кенгашининг ташкил этилиши бунинг ёрқин мисолидир. Умид қиламизки, халққа «маънавий юриш»да, унинг қатламларига кириб бориш ва мустақиллик ғояларини тарғибу ташвиқ қилишда ушбу кенгашнинг хизмати катта бўлади. Айни пайтда, давлат томонидан таъминланадиган ушбу кенгашунинг қошидаги «Жаҳон адабиёти», «Тафаккур», «Маънавият» ва «Олтин мерос» ташкилотлари зиммасига катта масъулият юкланади. Буни ҳис қилишимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқинда Ватанимиз озодлиги ва истиқлол учун курашларда жон фидо этган, шўролар даврида ноҳақ қирғину қатағон қилинган минг-минглаб шаҳидлар хотирасини абадийлаштириш, халқимиз, ёш авлодни эл-юртга садоқат, демократик тамойиллар руҳида тарбиялаш мақсадида чиқарган Фармойиши халқимиз ғururини, қадрини юксалтиришга қаратилгандир. Бу маънавиятимизни англаш йўлида қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди. Шу муносабат билан «Шаҳидлар хотираси» деган қутлуғ бир жамғарма ташкил этилди. Йигирманчи, ўттизинчи, қирқинчи, элликинчи, саксонинчи йилларидаги қатағонлар... Ўзбекнинг бирон бир хонадони йўқки, бу машъум қатағонлар оёқ тепиб кирмаган бўлсин. Йироққа бормай, ўзимдан мисол келтира қолай. Онам Турдихол Эгамназар қизи ҳикоя қилиб берган эдилар. 30-йилларда Эгамназар бобом ва катта онам Хосият отинбибилар уч қизлари — менинг бўлажак онам Турдихол, Ўғилой ва Унсиной билан Украинага сургун этилган эдилар. Ўзбекистондан қулоқ қилинганлар Херсон вилоятининг Каховка туманида истиқомат қилишган. Албатта, бир гуруҳи. Болалари учун мактаблар очилиб, уларда ҳам қулоқ қилинганлар ишлашган. Онам жуда яхши ўқир эканлар, етти синфни битирганларидан кейин, бу ерда юқори синфлар бўлмаганидан, бошқа ўқувчилар билан бирга Ўзбекистонга ўқишни давом эттириш учун юборилганлар. Хосият отинбиби эса икки қизи билан 1948 йилдагина она қишлоғига қайтиб келади... Айтишларича, жуда зукко одам бўлган Эгамназар бобом мусофирчиликда она юртини соғиниб, бу балоофатлардан қандай қутилиш йўлини билолмай ўйлагани ўйлаган экан. Бобом шу ерда қазо қилади, унинг қабри Каховкадаги мусулмонлар қабристонида, дейишди. Афсус, у она юртига қайтиб кела олмади... Бундоқ сарсон-саргардон бўлган оилаларнинг сон-саноғи йўқ, фикр қилиб, «Ҳайҳот!»-дан бошқа сўз тополмайсан...

Бундан уч йил муқаддам мен АҚШнинг Вашингтон университетида амриқолик талабаларга «Марказий Осиё ёзувчилари ва зиёлилари Шўролар даврида» мавзуида курс маърузалари ўқиган эдим. Мавзу доираси, табиийки, қатағон йилларини ҳам ўз ичига олади. Мунавварқори Абдурашидхон ўғли, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир каби сиймолар ҳақидаги маърузалар жуда қизиқиш билан тингланди. Зиёлиларимизга нисбатан бўлган ҳақсизлик, ҳақоратона тубан муносабатни кўриб, амриқоликлар: «Наҳотки шундоқ бўлса? Одамни шундоқ кечаси келсаю олиб кетишаверса, кечаси бир четга олиб бориб отиб ташлайверса?..» деб ҳайратга тушишар, ҳеч ишонгилари келмас, саволларнинг кети узилмас эди.

«Шаҳидлар хотираси» деган ном жуда ўринли танланган. Ҳақ йўлида, адолат йўлида қурбон бўлганлар шаҳидлар қаторидадирлар. Уларнинг номлари излаб топилади ва миллат хотирасида абадий қолади. Шу ўринда бир таклифни ўртага ташламоқчийдим. Биз «Миллат Китоби»ни ташкил қилишимиз керак! Умуман, бу китобга халқ олдида, миллат олдида хизмат қилган, ҳалол, чинакам халқ фарзандлари номлари киритилиши зарур. «Миллат Китоби» нуфузини баланд тутиш лозим, у уч минг йиллик тарихимизни қамраб олиши шарт. Энг муҳими, унга киритиладиган номлар фақат давлат раҳбарининг Фармони билан аниқланиши ва белгиланиши лозим. Бундай китоб ҳар бир ўзбекнинг хонадонида бўлишига шубҳа йўқ, у миллатнинг бўй-бастини тиклашда беқиёс хизмат қилади, авлодлар учун ғурур ва ифтихор намунаси бўлиб қолади.

Юқорида, ўтган саккиз йилимиз тоши тарозига қўйилса айрим асрларни босиб кетиши аёндир, деб таъкидлаган эдим. Чиндан ҳам, агар Амир Темур даврини ҳисобга олмаса, тарихда бирон бир давлатимиз, хоҳ у сомонийлар бўлсин, ё қорахонийлар, ё бошқалар, Ўзбекистон Республикаси эришганчалик халқаро нуфузга етиша олмаган. Ҳар қандай давлатнинг нуфузи, обрўси, уни халқаро майдонда тан олинишида, жаҳонга чиқиб боришида мужассам бўлади. Давлатимизни бугун жаҳоннинг ҳамма бурчакларида билишади. Франциялик киносценарийчи Адел Рифъат, ўз мамлакатига қайтар экан, ўзи ва дўстлари номидан бундай лутф қилди: «Ўзбекистонга келмасдан олдин, унинг қаерда жойлашганини ҳам билмас эдим, бу балки камчилигим. Ўзбекистонни кўриб мафтун бўлдик! Энди биз барчамиз Ўзбекистоннинг Франциядаги элчилари бўлиб хизмат қиламиз, ўзимизни озод Ўзбекистоннинг элчилари деб ҳисоблаймиз!»

Саноқда саккиз йил ўтди, холос... Атиги саккиз йил! Лекин қандай йиллар!..

Қутлуғ байрамингиз, муқаддас байрамимиз муборак бўлсин, азизлар!

**Муҳаммад АЛИ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**

# ШИФО МАСКАНИНИНГ ШИФОБАХШ ГУЛЛАРИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли тиббий ислоҳотлар самараси ўлароқ, қишлоқларимиздаги алмисоқдан қолган «медпункт»лар ўрнини барча шарт-шароитларга эга, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари эгаллай бошлади. Уларда билимдон, тажрибали шифокорлар меҳнат қилишаяпти.

Бухоро туманидаги «Чоруқ» қишлоқ врачлик пункти шундай янги, замонавий шифо масканларидан саналади. 1997 йили бунёд этилган ушбу шифохонада беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун ҳамма шароитлар яратилган. Бу ерда физиотерапия, муолажа, кундузги шифохона, врач қабулхонаси, лаборатория, болаларни эмлаш, аёллар соғлиғини назорат қилиш — жами 14 та хона мавжуд. Шу ернинг ўзида дорихона ҳам ташкил этилган. Энг муҳими, унда ЭКГ, УЗТ, УВИ, электрофарес, инголятор, амплефорс каби зарур тиббий асбоб-ускуналар ҳам ўрнатилган. Зарур тиббий адабиётлар билан етарлича таъминланган. Хоналардаги тартиб ва озодаликни кўриб, баҳри-дилингиз очилади. Ҳамма нарса жой-жойида, жиҳозлар расамади билан жойлаштирилган. Умуман, замонавий кўринишдаги янги ўзбекона қишлоқ шифохонаси.

— Уч йил бурун мана шу масканнинг ўрнида икки хонали кўримсизгина фельдшерлик-акушерлик пункти бор эди. Рости, кўрсангиз қўрқиб кетардингиз, — дейди умумий амалиёт шифокори Замира Шукруллаева. — Шифо масканимиз қурилиши бошлангач, одамлар ҳам қараб туришмади, кўпчилик ҳашарга келишди. Шу боис у ниҳоятда қисқа муддат ичида бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда кўрсатилаётган тиббий хизматдан одамлар мамнун бўлишаяпти.

### *Қишлоқ тиббиёти*

«Чоруқ» қишлоқ врачлик пункти 1,5 минг кишига хизмат кўрсатади. Табиийки, беморларга юқори сифатли тиббий кўмак бериш учун шарт-шароиту асбоб-ускуналардан ташқари, шифокорларнинг етарли билим ва малакага эга бўлишлари ҳам талаб қилинади. Айни пайтда бу ерда битта врач, 6 нафар ўрта бўғин тиббий ходим ва 2 нафар ҳамшира хизмат қилишади. Муҳими, уларнинг кўпчилик қисми етарлича тиббий малака ва тоифага эгадирлар. Мисол учун, олий тоифали фельдшер Ёқуб Турсунов ўз касбининг устаси сифатида бутун туманда маълуму машҳур экан...

— Янги ташкил этилаётган қишлоқ врачлик пунктларининг афзалликлари кўп, — дейди туман марказий шифохонаси бош врачи Маҳмуд Обидов. — Илгарилари қишлоқда яшайдиган бирор киши касалга чалинса, дардига даво ахтариб, шифохонама-шифохона сарсон бўларди. У дастлаб фельдшерлик-акушерлик пунктида етарли тиббий муолажа ололмаса, амбулаторияга, ундан чиқиб, қишлоқ участка шифохонасига боришга мажбур эди. Аммо бу ерда ҳам мушкули осон бўлмагач, охир-оқибат сўнгги илинж билан туман марказий касалхонасига йўл оларди. Очиғи, бундай ортиқча оворагарчилигу асаббузарликлар беморнинг бир дардига ўн дард қўшганлиги ҳам сир эмас. Қишлоқ врачлик пунктлари ишга туширилгач, мана шундай сансалорликларга ҳам барҳам берилди. Энди беморларга бевосита шу ернинг ўзидаёқ малакали тиббий хизмат кўрсатилаяпти.

«Чоруқ» қишлоқ врачлик масканига кунига ўрта ҳисобда 20-25 киши мурожаат қилади. Шу билан бирга, тиббиёт ходимлари ҳам баъзи беморларнинг уйларига бориб, саломатликларини кўздан кечиришади. Ёз ойларида аҳоли ўртасида ҳар хил юқумли ўткир ичак хасталикларининг тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида хонадонларга бирма-бир кириб, одамлар орасида тиббий патронажни амалга оширишмоқда. Дарвоқе, ҳар бир уйда «Саломатлик дафтарлари» очилган бўлиб, хонадон аъзолари ҳақидаги тиббий маълумотлар мунтазам равишда унга қайд этиб борилади.

Шифо маскани ҳовлисида арпабодиён, мойчечак, гулимансар, гулираъно, райҳон сингари турфа гуллар барқ уриб ўсиб ётибди. Қизиғи, бу тароватли набототлар атрофга кўрк бағишлаш билан бирга, даволаш ишларида ҳам қўл келаркан. Улардан тайёрланган ҳар хил шифобахш табиий дамламалар врач тавсияси билан беморларга бериб борилади. Шу мақсадда бу ерда махсус фитобар ташкил қилинган.

Замира Шукруллаева ўзи ишлаётган шифо маскани ҳақида тўлқинланиб сўзлаб берди. Унинг гап оҳангидан ўз касбини қанчалик севиши, жонкуярлигини сезиш қийин эмасди. Ўзиям унинг туман марказий шифохонасидан «Чоруқ» қишлоқ врачлик пунктига ишга келиши осон кечмаган экан. Шифо маскани янги очилган кезларда бу ерда ишлашга даъвогар врачлар кўплигидан, улар ўртасида махсус танлов ўтказилибди. Ана шу мусобақада ҳар томонлама ўзини кўрсатган Замирахон ўн нафар тажрибали ҳамкасблари орасида ғолиб чиққан экан. Хўш, шу чоққача шаҳардаги шифохонада тинчгина ишлаб юрган ёш шифокор аёлни қишлоққа ундаган куч нима? Назаримда, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида кечаётган кенг кўламли ислоҳотлар муваффақиятига кўпроқ ҳисса қўшишдек эзгу ният, унинг рўёби. Қолаверса, бугунги кунда замонавий қишлоқ врачлик масканлари ҳам кўп жиҳатдан унча-мунча нуфузли шифохоналардан сира қолишмайди.

**Ғафур ШЕРМУҲАММАД,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ОРОЛБЎЙИ ДЕҲҚОНЛАРИ КЕНГАШИ

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимлари, тегишли вазирлик, қўмита ва ташкилотлар раҳбарлари қатнашди.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Б.Олимжонов сўзга чиқиб, бу йил ҳар қачонгидан ҳам мўл маҳсулот етиштириш иштиёқида меҳнат қилаётган Оролбўйи деҳқонлари ҳосилга-ҳосил қўшиш ойлигини уюшқоқлик билан ўтказаётганликларини таъкидлади. Пахта теримига, шоли ўримига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Шу билан бирга, айрим туман ва хўжаликларда бу борада сусткашликка йўл қўйилаётгани, қабул пунктлари ҳамма жойда ҳам ишга шай ҳолга келтирилмагани, далада ишловчилар учун зарур маданий-маиший шароит яратилмаётганига эътибор қаратилди.

**А. ИСКАНДАРОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ТАДБИРКОР ЧОРВАДОРЛАР





*Қарши туманидаги хўжаликлараро бўрдоқичилик очиқ ҳиссадорлик жамияти жамоаси мўл гўшт етиштириш йўлида қилаётган ишлари таҳсинга лойиқ. Хусусан, жамоа чорвага бериладиган емишнинг барчасини ўзлари етиштиради. Мавжуд 630 гектар майдонда чорва моллари учун турли экинлар парваришланиши билан бирга озиқабоп экинларни синаб кўриш ва иқлимлаштириш мақсадида тажриба майдони ташкил этилган.*

*Жорий йилда жамоа 1200 бош қорамол ҳамда 6000 бош қўй-қўчқорни бўрдоқига боқмоқда. Улар бу йил 400 тонна сифатли гўшт етиштиришни мақсад қилишган. Шунингдек, келгусида аҳолига тайёр гўшт маҳсулотлари етиштириб беришни кўзда тутишмоқда. Айни пайтда бу ерда замонавий колбаса цехи ўз маблағлари ҳисобига қуриб битказилди. Мой ишлаб чиқариш цехи эса аҳоли хизматида.*

СУРАТЛАРДА: озиқа етиштириш бригадаси ишчиси Руҳиддин Ғаниев; «Сорга суданка»нинг навбатдаги ўрими.

**Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# МАЪНАВИЯТ — ТАРБИЯ МЕЗОНИ

Республика Таълим марказида “Миллий ғоя, истиқлол мафкураси, маънавият - тарбия мезони” мавзуида илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуман республика халқ таълими вазири Ж.Йўлдошевнинг “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарларида миллий ғоя, истиқлол мафкураси, маънавият масалалари ва уларнинг таълим тизимига татбиқ этилишидаги вазифалар” тўғрисидаги маърузаси билан бошланди. Шунингдек, таниқли олим ва мутахассисларнинг оила тарбиясида маънавият масалалари, маънавият ва замон кишисини тарбиялаш, диний экстремизм ва ақидапарастликнинг келиб чиқиши ҳамда адабиёт ва умуминсоний қадриятлар ҳақидаги маърузалари тингланди.

Тадбирда ёшларни камол топтиришда маънавий-маърифий тарбия тизимини янада яхшилаш, ўқувчилар бўш вақтларида олиб бориладиган ишларни уларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш, бу борада синф раҳбари, психолог, маҳалла, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш вазифалари белгилаб олинди.

**М. ОДИЛОВА,**
**(ЎзА).**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ, БЕРЛИН ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА АФИНА ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲАМКОРЛИКДА ЕВРОПА ҲАМЖАМИЯТИНИНГ ХАЛҚАРО TEMPUS-TACIS ДАСТУРИ БЎЙИЧА
*Ўзбекистонда ташкил этилган 8 ойлик энергетика менежментлари тайёрлов курсларига 1999—2000 ўқув йили учун тингловчиларни қабул қилади.*
Курсларга кириш тўғрисидаги ариза университет ректори номига қуйидаги ҳужжатлар билан бирга топширилади.
1. *Олий маълумоти тўғрисидаги ҳужжат нусхаси.*
2. *Меҳнат дафтарчасидан нусха.*
3. *4 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмда).*
4. *Корхона тавсияномаси.*

*Вилоятлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади. Ҳужжатлар 15 сентябргача қабул қилинади.*
*Курсларга энергетика корхоналари, саноат корхоналари, қўшма, кичик корхоналар ва фирмаларда, давлат ва хусусий муассасаларда ишлаб турган ёш мутахассислар, корхона тавсияномаси асосида қабул қилинади.*
Манзилгоҳ: 700095, Тошкент шаҳар. Университет кўчаси, 2-уй, ТошДТУ. Энергетика факультети, 320-хона.
ЛТ@2036

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
қошидаги амалий психологлар тайёрлаш факультети пулли—шартнома асосида қуйидаги мутахассисликлар бўйича тингловчилар қабул қилади.
1. Ҳуқуқ-тартибот органлари амалий психологи.
2. Тиббиёт соҳаси амалий психологи.
3. Ишлаб чиқариш соҳаси амалий психологи.
4. Халқ таълими тизими амалий психологи.
5. Оила психологи.
*Факультетда таълим юридик шахслар (ишлаб чиқариш корхонаси, идора, корпорация, акционерлик жамоаси ва ҳоказо) буюртмаси асосида уч томонлама ёки жисмоний шахслар билан икки томонлама тузилган пулли—шартнома асосида амалга оширилади. (Тўлов миқдори ва тартиблари шартномада кўрсатилади). Ўқиш ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда ташкил этилади. Факультетда ўқиш истагини билдирганлар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:*
1. Олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси ва баҳолар қайдномасидан кўчирма.
2. Меҳнат дафтарчасидан кўчирма.
3. Шахсий варақа.
4. 4 дона фотосурат 3х4 см. ҳажмда.
5. 0\86 шаклдаги тиббий маълумотнома.
*Ўқиш муддати кундузги бўлим учун 9 ой, сиртқи бўлим учун 13.5 ой. Тингловчилар ётоқхона билан таъминланади. Таълим якунида амалий психолог малакаси дипломи берилади. Ҳужжатлар 1999йил 1 сентябрдан 25 сентябрга қадар қабул қилинади. Ўқиш 1 октябрдан бошланади.*
Маълумотлар учун телефон: 55-49-31
Манзилимиз: Глинка кўчаси 3-уй, маъмурий бино 2-қават 14-хона.
ЛТ@2014

